

**БОТАНИКА ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР
БЕРУВЧИ DSc.02/30.12.2019.В.39.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

БОТАНИКА ИНСТИТУТИ

ХАМРАЕВА ДИЛОВАР ТОЛИБДЖОНОВНА

**ЎРТА ОСИЁ ЗИРАДОШЛАР (APIACEAE LINDL.) ОИЛАСИГА
МАНСУБ АЙРИМ ЭНДЕМ ТУРКУМЛАРНИНГ
БИОМОРФОЛОГИЯСИ ВА СТРУКТУРАСИНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ**

03.00.05 – Ботаника

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАН ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2020

Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc)

Contents of dissertation abstract of doctor of science (DSc)

Хамраева Диловар Толибджоновна

Ўрта Осиё Зирадошлар (Apiaceae Lindl.) оиласига мансуб айрим
эндем туркумларнинг биоморфологияси ва структурасининг
хусусиятлари..... 3

Хамраева Диловар Толибджоновна

Особенности биоморфологии и структуры некоторых эндемичных
родов зонтичных Средней Азии (Apiaceae Lindl.)
..... 29

Khamraeva Dilovar Tolibzhonovna

Biomorphological features and structure of some endemic plants of
Apiaceae Lindl. of Central Asia..... 55

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 59

**БОТАНИКА ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР
БЕРУВЧИ DSc.02/30.12.2019.В.39.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

БОТАНИКА ИНСТИТУТИ

ХАМРАЕВА ДИЛОВАР ТОЛИБДЖОНОВНА

**ЎРТА ОСИЁ ЗИРАДОШЛАР (ARIACEAE LINDL.) ОИЛАСИГА
МАНСУБ АЙРИМ ЭНДЕМ ТУРКУМЛАРНИНГ
БИОМОРФОЛОГИЯСИ ВА СТРУКТУРАСИНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ**

03.00.05 – Ботаника

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАН ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2020

Биология фанлари бўйича фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2020.2.DSc/B111 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация иши Ботаника институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.botany.uz) ҳамда «Ziyounet» ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Расмий оппонентлар:

Дусчаева Гулжан Мадримбаевна
биология фанлари доктори

Юлдашев Акрамжон Султанмуратович
биология фанлари доктори, профессор

Кушанов Фахриддин Нельматуллаевич
биология фанлари доктори

Етакчи ташкилот:

Самарқанд давлат университети

Диссертация ҳимояси Ботаника институти ҳузуридаги DSc 02/30.12.2019.B.39.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «13» август кунин соат 14⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100125, Тошкент шаҳри, Дўрмон йўли кўчаси, 32-уй, Ботаника институти мажлислар зали. Тел.: (+99871) 262-37-95, факс (+99871) 262-79-38, E-mail: botany@academy.uz).

Диссертация билан Ботаника институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (42 рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100125, Тошкент шаҳри, Дўрмон йўли кўчаси, 32-уй, Тел.: (+99871) 262-37-95.

Диссертация автореферати 2020 йил «3» август кунин тарқатилди.
(2020 йил «3» августдаги 1-рақамли реестр баённомаси).



К.Ш. Тожибаев
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раиси, б.ф.д., акад.

Б.А. Адиллов
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш илмий котиби, б.ф.н.,
катта илмий ходим

Х.Ф. Шомуродов
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш қошидаги
илмий семинар раиси,
б.ф.д., проф.

КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Дунёда биосферанинг бошқа таркибий қисмлари орасида табиий муҳитни муҳофаза қилиш муаммоларидан ўсимлик дунёсини муҳофаза этиш етакчи ўринни эгаллайди. Антропоген босимнинг кескин ошиши ва экологик офат хавфи даврида флоранинг кам сонли элементлари бўйича тадқиқотлар олиб бориш, айниқса, уларнинг чекланган майдони ва ўзига хос яшаш жойлари туфайли жуда муҳимдир. Шу муносабат билан ўсимликлар биологиясини ҳар томонлама ўрганиш ва уларнинг биологик хусусиятларига асосланган муҳофаза қилиш усуллари ишлаб чиқиш бу турдаги нафақат илм-фан учун қимматли ноёб ўсимликларни сақлаш, балки уларни янада чуқур мослашув имкониятларини аниқлаш ва интродукциялаш истиқболларини башорат қилиш долзарб ҳисобланади.

Жаҳонда ноёб ўсимлик турларнинг вегетатив ва генератив органларининг морфологик ва анатомик тузилишини қиёсий ўрганишда ушбу гуруҳ ўсимликларнинг биоморфологик хусусиятларини, структуравий мослашув йўллари ва механизмларини билишга, шунингдек, алоҳида турларнинг систематик ўрнини аниқлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Айниқса, кўпгина ноёб турлар маҳаллий флоранинг энг заиф қисмини ташкил этувчи тор локал эндем ёки реликт ўсимликлар бўлиб, бу ноёб турларни сақлашнинг энг муҳим шarti ҳозирги вақтда бу ўсимликлар мавжуд бўлган ценозларни ҳимоя қилиш йўллари ишлаб чиқишни талаб этади. Бу ўринда, реликт ўсимлик турлари ўтган геологик даврларнинг ўсимлик қоплами ҳақида ишончли маълумот манбаи сифатида муҳим илмий ва амалий аҳамиятга эга. Шунингдек, ҳар бир флоранинг ўзига хос қисмини ташкил этувчи эндем турларнинг келиб чиқиш марказларини ва улар ўртасидаги экобиоморфологик муносабатларни аниқлашга хизмат қилади. Шунга кўра, Ўзбекистон флорасида *Apiaceae* Lindl. оиласига мансуб бўлган бир қатор реликт ва эндем туркумлар мавжуд бўлиб, уларнинг вегетатив ва генератив органларининг адаптив-эволюцион ва таксономик жиҳатдан муҳим хусусиятларини, ҳаётгий шакли ва муайян экологик шароитлар ўртасидаги коррелятив муносабатларни аниқлаш ҳамда сақлаб қолиш чоратадбирларини амалиётга жорий этиш муҳим илмий-аҳамиятга эга.

Ҳозир республикада ўсимлик объектларини сақлаш ва улардан барқарор фойдаланишга алоҳида эътибор берилди. Бу борада, жумладан, ноёб ва йўқолиб бораётган турлар популяцияларини муҳофаза қилиш, Ботаника боғларида коллекцион питомникларини барпо этиш ва Ўзбекистон эндем ўсимликларининг электрон маълумотлар базасини яратиш борасида муайян натижаларга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида¹ “... атроф-муҳитга зарар етказувчи экологик муаммоларнинг олдини олиш...” вазифалари белгилаб

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

берилган. Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда, жумладан, *Apiaceae* оиласининг ноёб ва эндем вакилларининг популяцияларини ҳозирги ҳолати ва индивидларнинг камайиб кетиш сабабларини аниқлашга қаратилган кенг камровли тадқиқотлар олиб бориш, биоморфологик хусусиятларини ва фитокимёвий таркибини аниқлаш, ишлаб чиқаришга жорий этиш муҳим илмий-амалий аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 21 сентябрдаги 409-сон “Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 30 октябрдаги ПФ-5863-сон “2030 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон Республикасининг атроф-муҳитни муҳофаза қилиш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ва 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 19 декабрдаги 1034-сон “Ўзбекистон Республикаси Қизил китобини тайёрлаш, нашр этиш ва юритишни ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ҳамда бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. “Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи.² Батафсил морфологик белгиларни вегетатив ва генератив органларнинг тузилиши ҳамда *Apiaceae* оиласининг баъзи таксономик танқидий турлари учун молекуляр филогенияси билан солиштиришга қаратилган илмий тадқиқотлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасаларида, жумладан, University of Illinois (АҚШ), University Johannesburg (Жанубий Африка), University of Warsaw (Польша), Research Institute of forests and rangelands (Эрон), М.В. Ломоносов номидаги Москва давлат университети (Россия) ва Ботаника институтида (Ўзбекистон) олиб борилмоқда.

Биологик фаол табиий бирикмаларни, таксономик баҳсли турларни ажратиш учун структуравий ва морфологик асосларни, экобиологик хусусиятларни аниқлаш ва ноёб турларни ҳимоя қилишга оид жаҳонда олиб борилган тадқиқотлар натижасида қатор, жумладан, қуйидаги натижалар олинган: айрим доривор ўсимликлар диагностикаси учун умумлаштирилган морфологик, анатомик ва фитокимёвий хусусиятлар тавсифи ишлаб чиқилган (University Johannesburg, Жанубий Африка), *Apiaceae* оиласининг *Apioideae* Drude оилачаси вакилларида иккиламчи ёғочлашиш эволюциясини шакллантирувчи экологик омиллар ва ривожланиш сабаблари аниқланган

² Диссертациянинг мавзуси бўйича илмий тадқиқотлар шарҳи <http://www.works.doklad.ru>, <http://www.km.ru>, www.dissercat.com, researchgate.net, <http://www.fundamental-research.ru>, www.webofscience.com ва бошқа манбалар асосида ишлаб чиқилган.

(University of Warsaw, Польша), морфологик ва молекуляр-генетик белгилари асосида *Ferula* туркумининг филогенияси и биогеографияси ишлаб чиқилган (Research Institute of forests and rangelands, Эрон), морфологик, анатомик ва молекуляр-генетик маълумотларга асосланган Эски дунё Ариасеае оиласи турларининг замонавий систематикаси ва филогенетикаси такомиллаштирилган (М.В. Ломоносов номидаги Москва Давлат университети, Россия), молекуляр-генетик натижалар асосида *Apiioideae* оилачасининг турлари ва туркумларининг янги номенклатураси ишлаб чиқилган (University of Illinois, АҚШ).

Дунёда бугунги кунда кам ўрганилган ўсимлик турларида структуравий белгилар адаптив механизмларининг хилма-хиллигини аниқлаш бўйича қатор, жумладан, куйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: Ариасеае оиласининг таксономик мунозарали вакилларида морфологик, анатомик ва молекуляр-генетик маълумотларга асосланган конгруэнтлик/ноконгруэнтлик классификацияларини ишлаб чиқиш, потенциал доривор ўсимликларнинг ер усти ва ер ости органларида ихтисослашган тузилмаларда биологик фаол моддаларни тўпланишини аниқлаш, ноёб ва эндем ўсимликларни интродукция шароитида сақлаш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ариасеае оиласи турларининг турли вакилларида ер усти ва ер ости органларининг тузилишида маълум бир шароитга хос мослашувчанликни, моно- ёки поликарпик турларда онтогенез ва ҳаётий шаклидаги хусусиятларни аниқлаш С. Рахимов (2007), С.Е. Петрова (2008, 2016), Е.И. Демьянова (2014), Ф.А. Ashena (2014), А.А. Imanbayeva et al. (2015), X.W. Wang et al. (2016), Y. Yeşil et al. (2018) ва бошқаларнинг ишларида акс эттирилган. МДХ мамлакатларида ўсимликлар ценопопуляцияси ҳолатини баҳолаш ва Ариасеае оиласидаги иқтисодий жиҳатдан қимматли ўсимликларнинг кимёвий таркибини аниқлаш бўйича маълумотларни А.Ю. Асташенков (2010), Г.Х. Наврузшоева (2012), К.Г. Ткаченко (2013), Д.М. Черняк (2013, 2018), Х.С. Рахмонов (2017) ишларида учратиш мумкин. Ариасеае оиласининг баъзи турларида молекуляр-генетик маълумотлар ва филогенетик муносабатлар асосида таксономик идентификациялашни хорижий олимлар С.І., Calviño et al. (2008), S.R. Downie et al. (1998, 2010), M.G. Pimenov et al. (2011), R. Hand et al. (2012), G.V. Degtjareva et al. (2013), Е.И. Терентьева ва бошқ. (2014), Ł. Banasiak et al. (2016), Т.А. Ostroumova et al. (2016), М. Panahi et al. (2018), К. Spalik et al. (2019) тадқиқ этишган. Ўзбекистонда Ариасеае оиласининг баъзи истиқболли турларининг биоморфологик хусусиятлари ва кимёвий таркиби ҳақида маълумотлар М.Х. Богдасарова (1990), У. Раҳмонқулов (1999), А.А. Бутник ва бошқ. (2009), В.К. Шарипова (2017) ишларида берилган.

Юқоридаги илмий ишлар тадқиқот ўтказилган у ёки бу флораларда учрайдиган Ариасеае оиласининг қисман вакилларига тааллуқлидир. Ўрта Осиё Ариасеае оиласининг ноёб ва эндем турларининг вегетатив ва генератив органларнинг қиёсий морфологик ва анатомик тузилиши, биологик, молекуляр-генетик ва кимёвий хусусиятлари, шунингдек, систематик

белгиларини аниқлаш ҳақида маълумотлар фрагментар характерда бўлиб, баъзи турлар учун эса маълумотлар етарли эмас. Шунга кўра, Ўрта Осиё Ариасеае оиласига мансуб айрим камёб турларнинг вегетатив ва генератив органларининг морфологик ва анатомик тузилишини, фитокимёвий хусусиятларини, ҳаётий шаклларини аниқлаш ва турларни сақлаб қолиш чораларини ишлаб чиқиш муҳим илмий-амалий аҳамият касб этади.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилаётган илмий-тадқиқот муассасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ботаника институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг Ф5-ФА-0-13289 “Ўсимликларнинг махсуслашган структуралари ва уларнинг стресс омилларга чидамлилигини ошириш йўллари” (2012-2016) ва ВА-ФА-Ф5-010 “Ўзбекистон табиий флорасининг икки уруғпаллали ўсимликлар систематикаси” (2016-2020) мавзуларидаги фундаментал лойиҳалар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Ўрта Осиёнинг Ариасеае оиласига мансуб ноёб ва эндем турларнинг вегетатив ва генератив органларининг тузилишини экологияси ва ҳаётий шаклига боғлиқ ҳолда аниқлаш ҳамда табиатда сақлаш йўллари ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ноёб ва эндем моно- ва поликарпик турларнинг вегетатив ва генератив органларининг морфологик ва анатомик тузилишини ўрганиш, уларнинг диагностик ва адаптив белгиларини аниқлаш;

синфлоресценция структурасининг хусусиятларини белгилаш ва гуллаш механизмларини ёритиб бериш;

ҳаётий шаклининг хусусиятларини тавсифлаш, ер ости ва ер усти поянинг биологик хусусиятларини ва морфологик тузилишини ҳаётий шакли билан боғлиқ ҳолда очиб бериш;

ўсимлик органларидаги ажратма каналларнинг тузилишини ва уларни турларнинг диагностикасидаги ҳамда адаптив жараёндаги аҳамиятини аниқлаш;

Komarovia anisosperma турининг ер усти ва ер ости органларининг фитокимёвий таркибини ўрганиш;

табиий шароитда *Kamelinia tianschanica* турининг онтогенезини ўрганиш ва ценопопуляцияларнинг онтогенетик структурасини аниқлаш;

ядровий рибосомал ДНК нинг ITS локусини нуклеотидлар кетма-кетлигини тадқиқ қилиш, *Komarovieae* ва *Pleurospermeae* қабилаларига мансуб турларнинг филогенетик муносабатларини морфологик, анатомик ва молекуляр-генетик таҳлиллар орқали ёритиб бериш;

вегетатив ва генератив органларнинг морфологик ва анатомик хусусиятлари асосида *Kamelinia* туркумининг таксономик белгиларини ўрнатиш ва ярДНК нинг ITS локусини таҳлили асосида туркумининг Ариасеае оиласи тизимидаги ўрнини белгилаш;

экобиологик хусусиятлар асосида турларнинг камёблик сабабларини аниқлаш ва турларнинг популяцияларини сақлаб қолиш чораларини тавсия этиш.

Тадқиқотнинг объекти *Apioideae* оилачасининг 5 та туркумига мансуб 5 тур: *Komarovieae* J. Zhou & S.R. Downie қабиласи – *Komarovia anisosperma* Korovin, *Sphaerosciadium denaense* (Schischk.) Pimenov et Kljuykov; *Pleurospermeae* M.F. Watson & S.R. Downie қабиласи – *Korshinskya olgae* (Regel & Schmalh.) Lipsky; *Ferulinae* Engl. қабиласи – *Autumnalia innopinata* Pimenov; *Kamelinia tianschanica* F.O. Khass. & I.I. Malzev (қабиланиқланмаган) ўсимликлари ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети – морфология, анатомия, ҳаётий шакллар, онтогенез, ярДНК нинг ITS нуклеотидлар кетма-кетлиги, ажратма тузилмалар, структуравий адаптация, экология.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда лаборатория тадқиқотлари, морфологик, анатомик, фенологик, биометрик, фитокимёвий, молекуляр-генетик ва статистик методлардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор *Apiaceae* оиласининг ўртаосиё туркумларига мансуб *Komarovia* (*K. anisosperma*), *Sphaerosciadium* (*S. denaense*), *Kamelinia* (*K. tianschanica*), *Korshinskya* (*K. olgae*) ва *Autumnalia* (*A. innopinata*) турларининг вегетатив ва генератив органларининг структуравий тавсифи тузилган ва систематика ҳамда оиланинг филогениясида қўлланиладиган қатор таксономик белгилар ажратилган;

ўсимликларнинг вегетатив ва генератив органларида ажратма каналларнинг локализацияси ва тузилиши, шунингдек, адаптив жараёнда ва турларнинг таксономиясида тутган ўрни аниқланган;

Komarovia anisosperma турининг ер усти ва ер ости органларида турли биологик фаол моддаларининг таркиби аниқланган;

илк бор *Kamelinia tianschanica* турининг онтогенези давр ва босқичлари аниқланган ҳамда ценопопуляцияларининг онтогенетик структурасига баҳо берилган;

Kamelinia tianschanica нинг вегетатив ва генератив органларининг систематик аҳамиятли морфологик ва анатомик белгилари ҳамда монотипик туркум *Kamelinia* турининг *Pleurospermeae* қабиласидаги ўрни ярДНК нинг ITS локуси нуклеотидлар кетма-кетликлари асосида аниқланган;

вегетатив ва генератив органларининг маълум яшаш шароитига хос бўлган адаптив-эволюцион морфо-анатомик белгилари очиб берилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

монографик тўпламларда турларни ва монотипик туркумларни аниқлашда қўлланиладиган таксономик аҳамиятли белгилар ажратилган;

Ўзбекистон Республикаси “Қизил китоби”нинг навбатдаги нашри учун ноёб ва эндем *Sphaerosciadium denaense* турининг янги тавсифи ишлаб чиқилган;

Komarovia anisosperma турининг ер усти ва ер ости органларида

биологик фаол моддалари аниқланган;

биологик жараёнларни комплекс ўрганиш натижалари асосида камайиб бораётган ноёб ўсимлик турларининг сонини сақлаб қолиш ёндашувлари ва чоралари ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги диссертацияда қўлланилган замонавий усуллар ва илмий ёндашувлар асосида олинган натижаларнинг назарий маълумотларга мос келиши, натижаларнинг етакчи илмий нашрларда чоп этилганлиги, олинган хулосалар ва қонуниятларни асосланганлиги, шунингдек, диссертация ишининг амалий натижалари тегишли давлат ташкилотлари томонидан тасдиқланганлиги ва амалиётга жорий этилганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ер усти ва ер ости органларининг морфологик ва анатомик тузилишини чуқур ва комплекс таҳлилга асосланганлиги, вегетатив ва генератив органларнинг таксономик молик белгиларини ажратилганлиги, ўсимликларда маълум ўсиш шароитига хос биологик ва адаптив хусусиятларни ёритиб берилганлиги, *Kamelinia* туркумининг Ариасеае оиласи тизимидаги мустақил ўрнини ўрнатилганлиги, *Kamelinia tianschanica* турининг онтогенезини механизми, ценопуляцияларининг структураси ва типини аниқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти экобиологик хусусиятларга асосланган ноёб турларнинг популяцияларини сақлаб қолиш бўйича ёндашувлар ва чора-тадбирларни ишлаб чиқилганлиги, Ўзбекистон Республикаси “Қизил китоби”нинг навбатдаги нашри учун тур тавсифини тузилганлиги ва *Komarovia anisosperma* органларида биологик фаол моддалар, яъни терпен бирикмаларини ажратилганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўрта Осиёнинг камёб ва эндем Ариасеае оиласи турларининг структуравий хусусиятларини ўрганиш бўйича олинган натижалар асосида:

Sphaerosciadium denaense турининг морфологик таърифи, популяцияларининг ҳолати ва сони бўйича олинган маълумотлар, шунингдек, турни муҳофаза қилиш учун ишлаб чиқилган чора-тадбирлар Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг амалий фаолиятига жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг 2020 йил 13 майдаги 02-02/8-463-сон маълумотномаси). Натижада янги маълумотлар асосида тузилган турнинг тавсифидан Ўзбекистон Республикаси “Қизил китоби”нинг навбатдаги нашрида (I-жилд. Ўсимликлар, 2019) фойдаланиш имконини берган;

Komarovia anisosperma, *Sphaerosciadium denaense*, *Kamelinia tianschanica*, *Korshinskya olgae* турларининг ярДНК нинг ITS нуклеотидлар кетма-кетлиги бўйича маълумотлар Биотехнологик ахборотлар миллий маркази Генбанки базасига жойлаштирилган (Биотехнологик ахборотлар

миллий маркази, www.blast.ncbi.nlm.nih.gov). Натижада *Komarovia anisosperma* – MN832991, *Sphaerosciadium denaense* – MN833318, *Kamelinia tianschanica* – MF593483, *Korshinskya olgae* – MN832934 турларига идентификация рақамларини олиш ва *Kamelinia* туркумининг *Apiaceae* оиласи тизимидаги молекуляр-филогенетик ўрнини аниқлаш имконини берган;

Ўзбекистон Республикаси “Қизил китоби”га кирган истикболли *Komarovia anisosperma* ўсимлигининг вегетатив ва генератив органларида ажратма каналларнинг тузилиши, жойлашиши ва зичлиги ҳақида маълумотлар ТА-ФА-Ф7-008-сон «Табиий терпеноид ва фенол бирикмаларни уларнинг асосида тиббиёт ветеринарияси ва қишлоқ хўжалиги препаратларини яратиш учун ўрганиш» фундаментал лойиҳасида ўсимлик ер усти ва ер ости органларидан турли биологик фаол моддалар ажратиб олишда ва уларнинг кимёвий таркибини аниқлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг 2020 йил 20 майдаги 4/1255-1062-сон маълумотномаси). Натижада ўсимликларнинг турли органларидаги ажратма каналларнинг топографиясидан доривор хом-ашёни танлаш ва турли биологик фаол моддаларни ажратишда диагностик белги сифатида фойдаланиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 4 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 19 та илмий иш нашр этилган ва Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация Комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 10 та илмий мақола, жумладан, 6 та республика ва 4 та хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, етгита боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловадан иборат. Диссертация ҳажми 200 бет, 64 та расм ва 18 та жадвалдан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация ишининг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги, диссертация мавзуси бўйича республика ва хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, тадқиқотнинг объекти ва предмети келтирилган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти, уларнинг ишончлилиги очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш, нашр этилган ишлар ва диссертация структураси тўғрисида маълумотлар баён этилган.

Диссертациянинг “Соябонгулдошлар эндем туркумларининг систематикасини, структуравий хусусиятларини ўрганиш тарихи,

тадқиқот объектлари ва услублари, тадқиқот ҳудудларининг физик-географик тавсифи” деб номланган биринчи бобида 5 та туркумга мансуб турларнинг систематик ўрни бўйича олдинги олиб борилган тадқиқотлар таҳлили (Коровин, 1939; Шишкин, 1950, 1952; Коровин, 1959; Камелин, 1973; Пименов, Ключиков, 1981; Пименов, 1983; Пименов, 1989; Хасанов, Мальцев, 1992; Pimenov, Leonov, 1993; Sennikov & al., 2016; Tojibaev & al., 2017), ўрганилаётган объектларнинг морфологик (Пименов, Ключиков, 1981; Хасанов, Мальцев, 1992), анатомик (Pimenov et al., 1999), фитокимёвий (Соколова ва бошқ., 1976) ва молекуляр-генетик тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган (Terentieva et. al., 2008; Downie et al., 2010; Spalik et al., 2010; Терентьева ва бошқ., 2014). Ушбу бобда тадқиқот материаллари ва услублари, турлар ўсадиган ҳудудларнинг физик-географик тавсифи батафсил баён этилган.

Диссертациянинг “Соябонгулдошлар айрим эндем туркумларининг биоморфологик хусусиятлари” деб номланган иккинчи бобида ер ости ва ер усти органларининг морфологик тузилиши, синфлоресценциясининг структураси, шунингдек, ҳаётий шаклларининг таснифланиши берилган.

Биринчи бўлимда ўрганилаётган объектлар вегетатив ва генератив органларининг морфологик хусусиятлари таҳлил қилинган. Илдиз тизими учун икки тип ҳосил: асосий ва ён илдизлардан иборат аллориза типи – *Autumnalia innopinata*, *Komarovia anisosperma*, *Korshinskya olgae* ва *Sphaerosciadium denaense* турларига, илдизпоя ва қўшимча илдизлар – иккиламчи гомориза типи фақат *Kamelinia tianschanica* турига ҳосил. *Komarovia anisosperma* илдиз тизимини чуқур ўқ илдизли ва кўпшоҳли каудекс ташкил этиб, асосий илдиз базал қисмида турпсимон йўғонлашган бўлиб, қолган қисмида цилиндрсимон бўлади. *Sphaerosciadium denaense* илдиз тизими чуқур ўқ илдизли, цилиндрсимон ёки урчуксимон йўғонлашган асосий илдиз ва кам шоҳланган (икки ўқли) каудексдан иборат. *Autumnalia innopinata* турининг ҳам илдиз тизими чуқур ўқ илдизли, асосий илдиз базал қисмида тугунаксимон, қолган қисмида эса цилиндрсимон йўғонлашган. *Korshinskya olgae* илдиз системаси чуқур бўлмаган ўқ илдизли, асосий илдизи кучли қисқарган, тугунаксимон ёки цилиндрсимон йўғонлашган, ён илдизлари кўп, улар конуссимон йўғонлашган ва ингичка дистал қисмлардан иборат. *Kamelinia tianschanica* турида илдиз тизими вертикал эпигеоген қисқа илдизпоя ва кўплаб йўғонлашган қўшимча илдизлардан иборат. Илдизпояда яширин куртаклар мавжуд бўлиб, улардан тикланиш новдалари ривожланади, яъни илдизотган ёндош туплардир. Қўшимча илдиз учта алоҳида қисмга ажралади: тор базал (илдизпоядан ўсиб чиқиш жойи), цилиндрсимон йўғонлашган ва ингичка чўзилган дистал қисмларидир.

Поликарпик турлар (*Komarovia anisosperma*, *Sphaerosciadium denaense* и *Kamelinia tianschanica*) учун новда ҳосил бўлишининг характерли модели симподиал қайта тикланадиган полициклик ярим тўпбаргли, кўп йиллик монокарпикларда (*Korshinskya olgae* и *Autumnalia innopinata*) полициклик тўпбаргли вегетатив новданинг моноподиал ўсиши кузатилади ва гуллаган

йили уларда ярим тўпбаргли монокарпик новда ҳосил бўлади. Барча ўрганилган турларда монокарпик новдалар тик турувчи (ортотроп) бўлади.

Komarovia anisosperma турида кўп ўқли каудекс 1 дан 5 гача 3-тартибгача акротон шохланган монокарпик новдалар ҳосил қилади, *Sphaerosciadium denaense* турида эса икки ўқли каудексдан 1 ёки 2 та 3–4-тартибгача акро-мезотон шохланадиган новда ҳосил бўлади. *Kamelinia tianschanica* ва *Korshinskya olgae* турларида 1 та 3–4 тартибгача акро-мезотон шохланадиган новда бўлса, *Autumnalia innopinata* турида 1 (2) та 3-тартибгача мезотон шохланадиган новда мавжуд. Ўрганилган ўсимлик турлари баландлиги ва метамерлар сони бўйича етарлича фарқ қилади.

Баргнинг морфологик хусусиятларига кўра, ўрганилаётган турлар учун умумий белгилар ажратилган, хусусан, патсимон қирқилганлиги, яхши ажраладиган барг бандини ва асосида кўпроқ ёки камроқ даражада кенгайган қинга эга бўлишидир. Баргнинг тур учун хос белгилари пластинка ва сегментларнинг шакли ва ўлчамиди, барг бандининг тузилиши, қиннинг тузилиши ва шакли билан ифодаланади ҳамда қуйидаги диагностик аҳамиятли белгилар қайд этилган:

Komarovia anisosperma поядаги баргларга нисбатан илдизбўғзи барглари кўп марта патсимон бўлинган, уларнинг қини қаттиқ, тухумсимон-ланцетсимон, пояни ўраб турувчи, баъзан поя барглари пояни ўраб турувчи ланцетсимон қингача редукциялашган, сегментлар ланцетсимон, икки учи торайган, юқориги учи ўткирлашган, сал қаттиқ;

Sphaerosciadium denaense илдизбўғзи баргларнинг қини терисимон, уларнинг юқори қисми кулоқсимон шаклида, илдизбўғзи ва пояни пастки баргларининг охириги сегментлари кенг тухумсимон, четлари юмалоқ тишчали, ўрта поя баргларида эса ланцетсимон;

Kamelinia tianschanica илдизбўғзи ва пояни пастки баргларининг бандлари оқ-яшил, ўрта қисмида кўнғир-қизил рангда, охириги сегментлар ланцет-овалсимон ва тескари тухумсимон, тумтоқ, учки барглар ўтроқ, учбўлмали;

Korshinskya olgae барг пластинкалари кенг тухумсимон, охириги сегментлар ланцетсимон, учли, учки барглари ўтроқ, четлари бутун, ланцетсимон ёки ланцет-овалсимон;

Autumnalia innopinata тўпбаргларининг қини асосида бироз кенгайган, тор-тухумсимон, ташқи томондан қисқа дағал тукчалар билан қопланган, сегментлар бандчали, тухумсимон ёки юмалоқсимон, ўткир учли, бироз қаттиқ.

Гулнинг морфологик белгиларини батафсил ўрганиш натижалари асосида ўрганилган 5 та турда соябонгулдошлар оиласининг генератив органи учун хос типик тузилиши аниқланган. Гулнинг асосий сифат кўрсаткичлари: косачабарг тишчалари, гултожибарглар ва стилопидийнинг шакли, тожибарглар ранги ва унинг учки қисмини ҳолати ҳисобланади. Олинган маълумотларни таҳлил қилиш натижасида ўрганилган турларнинг гулида қуйидаги диагностик белгилар ажратилган:

Komarovia anisosperma косачабарг тишчалари учбурчаксимон, тожибарглари тескари тухумсимон, оч сариқ ёки сариқ, унинг тилсимон торайган учи ичкарига қайрилган, гуллаш охирида гултожибарглари кучли орқага эгилган, стилоподий конуссимон;

Sphaerosciadium denaense косачабарг тишчалари доирасимон, гултожибарглари кенг ланцетсимон, орқа қисми очик пушти, четлари ва ички қисми оқ, учи торайган, бироз эгилган, устунчалар узунроқ, стилоподий ликопчасимон;

Kamelinia tianschanica косачабарг тишчалари зўрға билинадиган, гултожибарглари юмалоқ-овалсимон, оқ, унинг учбурчак шаклидаги қайрилган учи юзасига қўшилиб ўсган ёки қўшилиб ўсмаган, стилоподийни ўраб олмаган, стилоподий қисқа-конуссимон;

Korshinskya olgae косачабарг тишчалари сезилмайдиган, гултожибарглари кенг тўртбурчаксимон, сариқ ёки яшил-сариқ, қайрилган учи юзасига қўшилиб ўсган, стилоподийни ўраб турувчи, стилоподий яссилашган;

Autumnalia innopinata косачабарг тишчалари деярли сезилмайдиган, гултожибарглари эллипссимон, сариқ, учлари торайган, учки қисмида ичкарига қайрилган, стилоподий яссилашган-конуссимон.

Ўрганилган турлар меванинг морфологик тузилишидаги мева, стилоподий ва косачабарг тишчаларининг шакли, мерикарпийнинг ранги ва юзасининг тузилиши, қирраларнинг мавжудлиги ёки йўқлиги билан фарқ қилади. Ўрганилаётган турларнинг мевалари учун ҳам диагностик белгилар белгиланиб, улар қуйидагиларда ўз аксини топади:

Komarovia anisosperma меваси жигарранг ёки тўқ жигарранг, ён томондан сиқилган, тепага қараб торайган, чўзинчоқ-тухумсимон ёки цилиндрсимон, мерикарпийга бўлинмайдиган, битта мерикарпий 3, иккинчиси 4 ёнбош қиррала, стилоподий қисқа конуссимон, четлари тўлқинсимон букланган;

Sphaerosciadium denaense мевалари кулранг-жигарранг ёки тўқ жигарранг, шарсимон, мерикарпийга бўлинувчи, орқа юзаси силлик, стилоподий текис;

Kamelinia tianschanica мевалари тўқ қўнғирранг, орқа юзаси бурмали, букланган, шарсимон, мерикарпийга бўлинувчи, стилоподий узун конуссимон, косачабарг тишлари кичик учбурчаксимон;

Korshinskya olgae мевалари сомон рангли, тухумсимон, мерикарпийга бўлинмайдиган, ён томондан сиқилган, тенг қиррала, бироз буртиб калталашган кенг доирасимон қиррала ёки деярли сезилмайдиган, стилоподий тумтоқ-конуссимон, косачабарг тишлари майда цилиндрсимон;


Autumnalia innopinata мевалари тўқ жигарранг, овалсимон, мерикарпийга бўлинувчи, ён томонларидан сиқилган, орқа томонидан 3 та сезиларли қиррала, комиссура томонидан ботиклашган, стилоподий яссилашган-конуссимон.

Иккинчи бўлимда тўпгулнинг тузилиши ва гуллаш хусусиятлари келтирилган. *Komarovia anisosperma* турининг синфлоресценцияси оригиналликни ва ўзига хос структурани намойиш этади, яъни 2–6 тадан ҳалқада тўпланган, қўшалок соябонлардан ташкил топган очиқ ярусли шингилдан иборат. Бошқа ўрганилган 4 та турларда эса синфлоресценциянинг характери бир хил типда тузилган бўлиб, ёпиқ соябончали қўшалок соябонлар тўпланган рўвак билан ифодаланади.

Komarovia anisosperma турида биринчи ён новда поянинг биринчи бўғим оралиғидаги барг қўлтиғидан, бошқа турларда эса иккинчисидан ҳосил бўлади. Тўпгулнинг тузилишида турли тартибли соябонларнинг нурларини сони ва узунлиги, турли тартибли соябончаларда четдан марказга қараб гулларнинг сони (*Komarovia anisosperma* дан бошқа) бўйича фарқлар белгиланди, шунингдек, гулнинг турли жинсий формаларида жойлашиш қонуниятлари, ўрамабарг ва ўрамабаргчанинг ҳар хил шакли ва ўлчамида тафовутлар аниқланди (*Komarovia anisosperma* ва *Sphaerosciadium denaense* дан ташқари).

Sphaerosciadium denaense, *Kamelinia tianschanica* ва *Korshinskya olgae* турларида гуллаш ва мевалаш жараёнлари йилнинг турли вақтларида бўлиб ўтишига қарамай, мазкур вакилларда гуллаш жараёнида умумий қонуниятлар аниқланган. Гуллаш тўпгул доирасида марказий тўпгулдан бошланиб, ундан кейин юқори, ўрта ён соябонларга ўтади ва пастки соябонларда тугайди. Барча турларда қатъий тартибда I тартибли соябонлар, кейин II, сўнгра III тартибли соябонлар гуллайди. Соябонлар ва соябончалар ичида гуллаш марказга интилган ҳолда кечади. *Komarovia anisosperma* турида гуллаш акропетал тартибда асосий ўқнинг ҳалқада жойлашган соябонларида бошланади, мана шу даврда I тартибли ён новдаларга ўтади, уларда гуллаш деярли бир вақтнинг ўзида (синхрон) барча ҳалқали соябонларда амалга ошади. II тартибли ён новдалар гуллашга охирида киради. Соябончаларда гуллаш жараёни марказга интилган йўналишда бўлади.

Бобнинг учинчи бўлими турларнинг ҳаётий шаклларини ўрганишга бағишланган (1-расм а–д). Ўрганилган турларнинг ҳаётий давомийлиги, вегетация давомийлиги, мевалаш сони каби биологик хусусиятлари ер ости ва ер усти новдалар системаларининг морфологик кўрсаткичлари билан ҳамбарчас боғлиқ. Шунга кўра, ўрганилган турлар илдиз тизимининг ва ярим тўпбаргли монокарпик новданинг ўсиш типлари, шунингдек, поликарпик турларда ҳар йили ривожланаётган монокарпик новдалар сони билан фарқланади. *Komarovia anisosperma* ва *Sphaerosciadium denaense* турлари географик жиҳатдан анча узоқ масофада ўсади, аммо яшаш жойлари (шағалли ва майда донали тупроқларда, тош ёриқларида) бироз ўхшаш бўлгани учун битта ҳаётий шаклга илдиз тизимининг каудексга эга ўқ илдизли типи, кўп марта мевалаш ва новда тизимининг симподиал ўсиши бирлаштиради. *Kamelinia tianschanica* ва *Korshinskya olgae* турлари эса бутунлай бошқа яшаш шароитида ўсганлиги сабабли ер ости органларининг тузилиши, новдалар тизимининг ўсиш типи ва мевалашининг сони билан фарқ қилади.



1-расм. Соябонгулдошлар оиласи айрим эндем турларининг ҳаётӣ шаклларини схемаси.

Чуқур ўқ илдизли поликарпиклар: а – *Komarovia anisosperma*, б – *Sphaerosciadium denaense*; қисқа илдизпояли қўшимча илдизли поликарпик: в – *Kamelinia tianschanica*; чуқур ўқ илдизли монокарпик: г – *Autumnalia innopinata*; қисқа ўқ илдизли монокарпик: д – *Korshinskya olgae*.


Ўзига хос ривожланиш ритми ва соябонгулдошлар учун хос бўлмаган феноменли *Autumnalia innopinata* тури гистерант ўсимлиги бўлиб, вегетатив ва генератив фазалар орасида ёзги тиним даврига эга. Ўрганилган турлардан *Kamelinia tianschanica* геофит ҳаётий шаклига, қолган турлар эса гемикриптофитларга киради. Структуравий қисмларини фазовий жойлашиш табиатига ва уларни алоҳидаланиш даражасига кўра, вегетатив кўпаймайдиган турлар *Komarovia anisosperma*, *Sphaerosciadium denaense*, *Korshinskya olgae* ва *Autumnalia innopinata* моноцентрик типига тегишлилиги ва кўшимча илдизлардан ҳосил бўлувчи тикланиш новдалари эвазига вегетатив кўпайишга эга *Kamelinia tianschanica* тури аниқлашмаган полицентрик типга кириши қайд этилган. Бу поялар атроф-муҳитга таъсир этувчи бирликлар сифатида қаралиши мумкин ва уларнинг қисман дезинтеграцияси (ўсиш марказларининг ажралиши) она ўсимлиги зарарланганда ёки нобуд бўлганда рўй бериши мумкин.

Диссертациянинг “Соябонгулдошлар айрим эндем туркумларининг вегетатив ва генератив органларининг анатомик тузилишини хусусиятлари” деб номланган учинчи бобида ўсимлик органларининг анатомик тузилиши берилган.

Биринчи бўлимда баргнинг анатомик тузилиши баён этилган (2-расм а). Барг мезофиллининг 2 типи аниқланган: дорсивентрал (*Komarovia anisosperma*, *Sphaerosciadium denaense*, *Kamelinia tianschanica* ва *Korshinskya olgae*) ва изопалисад типлари (*Autumnalia innopinata*). Ўрганилаётган турлар орасида барг тузилишида маълум мезо- ва ксероморф адаптив белгилар мавжудлигига кўра фақатгина мезоморф ёки ксероморф белгиларга эга бўлган ўсимликлар ажратилмаган, чунки эволюция жараёнида ўсимликларда турли хусусиятларни бирлаштиришнинг адаптив механизмлари ҳосил бўлган. Бироқ баргнинг мезофилл типини энг консерватив белгилардан бири сифатида характерланишини таъкидлаш лозимдир ва бошқа белгилар (эпидерма хужайраларининг ўлчами, уларнинг ташқи деворини қалинлашиши, эпидерма хужайралари деворларининг проекцияси, мезофиллда механик элементлар мавжудлиги, ўтказувчи боғламлар, найлар ва ажратма каналларнинг сони ва б.) баргнинг яшаш шароитидаги экологик омиллар таъсирига (ёғингарчилик, ҳарорат, кучли инсоляция) ва ўсимликларнинг биологик хусусиятларига (вегетация даврининг давомийлиги, барг яшовчанлигининг муддати) боғлиқ бўлган ҳимоя механизмлари ҳисобланади. Ўрганилган турларнинг барг банди кўндаланг кесимдаги шаклига кўра 3 типга бўлинган:

1. Тарновсимон барг банди, V-симон шаклда жойлашган ўтказувчи боғламларга эга – *Kamelinia tianschanica* ва *Korshinskya olgae* турлари.

2. Тарновсимон-юмалоқлашган барг банди, ўтказувчи боғламлари V-симондан O-симон шаклга ўтувчи ва шартли адаксиал томонида турли узунлик ва шаклдаги ўсимталари бор – *Komarovia anisosperma* ва *Sphaerosciadium denaense* турлари (2-расм б).



2-расм. Барг (а, б), поя (в), илдиз (г, д) ва мева структураси (е):
 а – *Sphaerosciadium denaense* барг пластинкаси, б – *Komarovia anisosperma* барг банди асоси, в – *Kamelinia tianschanica* поясининг юқори қисми, г – *Korshinskya olgae* ён илдизнинг апикал қисми, д – *Komarovia anisosperma* асосий илдизнинг пўстлоқ паренхимаси, е – *Autumnalia innopinata* мерикарпийнинг ложбинкасимон ажратма каналли қисми. Масштаб линейкаси 100 мкм.

3. Юмалоқлашган барг банди, О-симон шаклда жойлашган ўтказувчи боғламларга эга – *Autumnalia innopinata* тури.

Биринчи типга кирган турларнинг барг банди бифациал, қолган типга тааллуқли турларники эса унифациал бўлади. Биринчи типдаги турларнинг барг банди паренхимасида ҳаво бўшлиқлари бўлиб, *Kamelinia tianschanica* да фақат банднинг асосида ва *Korshinskya olgae* турида асосида ҳамда ўрта қисмида учрайди. Иккинчи типга мансуб турларда банднинг паренхимаси зич бўлиб, бир қанча марказий ўтказувчи боғламларга эга, уларнинг сони банднинг юқори қисмига қараб камайиб боради. Учинчи типда марказий найтолали боғламлар кўп сонли бўлиб, уларнинг сони ҳам акропетал тартибда камайиб боради, банд асосининг паренхимасида ҳаво бўшлиқлари мавжуд.

Иккинчи бўлимда 4 турда (*Autumnalia innopinata* дан ташқари) гулпоянинг турли тартибли новдаларининг анатомик тузилиши ўрганилган. *Komarovieae* қабиласидан бўлган поликарпик *Komarovia anisosperma* ва *Sphaerosciadium denaense* турларда новдалар тизимининг у ёки бу қисмида стела (атастостелани эвстелага алмашиниши) типининг ўзгариши кузатилади. Яъни, биринчи турда поянинг асосидан юқори қисмигача атактостела типи, ундан кейин I ва II тартибли ён новдаларида эвстела кузатилади, иккинчи турда эса поянинг юқори қисмида стела типи алмашинади. Юқорида айтиб ўтилган турларда атактостела типи учун поянинг кўндаланг кесимида турли

катталиқдаги кўплаб ўтказувчи боғламларни бутун юзасида тарқалиши хосдир.

Komarovia anisosperma ва *Sphaerosciadium denaense* турларида стеланинг атактостела типи (*Komarovia anisosperma* турида поянинг асосида ҳам, юқори қисмида ҳам ўтказувчи боғламларни кўпроқ миқдорда бўлиши) поянинг ўтказиш функциясини кучайтириш билан боғлиқ бўлиши мумкин, яъни катта ўлчамдаги барглар ва чуқур ўқ илдизли тизим ўртасида сув билан ундаги минерал ва органик моддаларнинг транспорти оқимини амалга оширади. *Kamelinia tianschanica* ва *Korshinskya olgae* турларининг генератив новдасини турли тартибли ўқларида (поянинг асос қисмидан II тартибли ён ўқигача) икки уруғпаллали ўсимликлар учун хос стела типи – эвстела эканлиги қайд қилинган (2-расм в). Генератив новданинг узунлиги бўйлаб паренхиманинг устунлиги билан боғламли тузилиши аниқланган, турли даражада ривожланган бурчаксимон колленхиманинг ва луб толаларининг тўпламлари, ёғочлашган боғламлараро ва ёғочлик паренхималарининг ҳисобига поянинг таянч функцияси бажарилади.

Учинчи бўлимда ер ости ўқ органларининг анатомик тузилиши баён этилган. Турли хил туркумларга мансуб турларда илдиз тизимининг тузилишини таҳлил қилиш натижасида ўзига хос хусусиятлар қайд этилди, бу эса бир хил турдаги илдиз тизимларидаги баъзи ўхшашликларни очиб берди. Чуқур ўқ илдизли турлар (*Komarovia anisosperma*, *Sphaerosciadium denaense* ва *Autumnalia innopinata*) кўп қаватли пўкакга эга бўлиши, пўстлоқ паренхимасига нисбатан флоэманинг сезиларли даражада ривожланганлиги, иккиламчи пўстлоқда камбий ҳисобига доимий ҳосил бўладиган кўплаб ажратма каналларининг бўлиши, пўстлоқнинг ва марказий цилиндрнинг хужайраларида крахмал доналарининг мавжудлиги, шунингдек, механик тўқиманинг йўқлиги билан ажралиб туради (2-расм д). *Korshinskya olgae* қисқа ўқ илдизли ўсимлик, асосий ва ёнбош илдизларнинг пўстлоқ қисмида ҳам, марказий цилиндрида ҳам кўплаб ҳаво бўшлиқлари ва ёриқлар ҳосил бўлади, боғламлараро ва ёғочлик паренхималари бироз ёғочлашади (2-расм г). *Kamelinia tianschanica* турини илдиз тизими қисқа илдизпояли кўшимча илдизли типига кириб, илдизпоя структураси концентрик доираларда гуруҳланган ўтказувчи боғламлар, ксилема қисмида калин деворли толаларнинг хужайралар тўплами ва бироз ёғочлашган боғламаро ҳамда ёғочлик паренхималарининг борлиги билан ифодаланади.

Шундай қилиб, ўрганилган турлар турли экологик шароитларда ўсаганлиги муносабати билан уларнинг ер ости органлари сув ва озуқа моддаларини ўзида сақлайдиган турли даражада йўғонлашишга эга эканлиги аниқланган. Ўрганилаётган турларнинг ер ости органларини асосий қисми паренхима тўқимасидан иборат бўлиб, кўп сонли ҳаво бўшлиқлари ва ёриқлар контракция фаолияти туфайли ҳосил бўлган.

Бобнинг тўртинчи бўлимида 5 та ўрганилган турларнинг мева перикарпийсининг тузилиши кўриб чиқилган ва диагностик аҳамиятга эга бўлган белгилар ёритиб берилган:

Komarovia anisosperma мерикарпийси кўндаланг кесимда чўзиқ-овалсимон, орқа ва қорин қисмида ўткир қиррали, улардан қорин қиррали йирикроқ, мезокарп паренхимлашган, ташқи қисми 4–5 қаватли, юмалоқ-овалсимон, баъзи жойларда қуюқ модда билан тўлган хужайралардан, ички қисми 2–4 қават яссилашган хужайралардан иборат, қиррали ажратма каналлар 3 та (3 қиррали мевада) ёки 4 та (4 қиррали мевада), ложбинкада биттадан ложбинкасимон ажратма каналлар жойлашган, уларнинг умумий сони 4 та, баъзи ҳолларда 4 қиррали мевада яна 1 та кичик ложбинкасимон ажратма канали орқа ложбинкасимон ва қиррали ажратма каналларнинг орасида бўлади, эндосперм очик ҳалқали, кампилоспермли;

Sphaerosciadium denaense мерикарпийси кўндаланг кесимда юмалоқсимон, қирралари сезиларсиз ёки деярли ипсимон, мезокарп паренхимлашган, ташқи қисми яссилашган кичик 2–5 қават, баъзи жойларда сиқилган хужайралардан, ички қисми 2 қават йирик хужайралардан ташкил топган, боғлам флоэмаси емирилган, найлар устида бир нечта склеренхима хужайраларига эга, ложбинкасимон ажратма каналлар ложбинкада 1–3 тагача, уларнинг умумий сони 8–10 та, эндосперм ёпик ҳалқали ёки баъзида очик ҳалқали, кампилоспермли;

Kamelinia tianschanica мерикарпийси кўндаланг кесимда деярли юмалоқсимон, қорин қиррали орқа қирраларига нисбатан кўпроқ ривожланган, мезокарпийнинг ташқи қисми 4–6 қават яссиланган ва айрим жойларда эзилган паренхима хужайраларидан тузилган, ички қисми (гипэндокарпий) 2–3 қават яссилашган ва ташқи деворлари йўғонлашган прозенхима хужайралардан иборат, ложбинкасимон ажратма каналлар ложбинкада 1–2 тагача, уларнинг умумий сони 4–6 (7) та, эндокарпий бир қаватли, ташқи деворлари йўғонлашиб, хужайралар кўндаланг деворлари фиброзсимон қалинлашган, эндосперм очик ҳалқали, кампилоспермли;

Korshinskya olgae мерикарпийси кўндаланг кесимда юмалоқ-овалсимон, мезокарпий паренхимлашган, ўтказувчи боғламлар устида 6–7 қават юмалоқ хужайралардан, боғламлар остида эса чўзилган устунлар шаклида 7–8 қават узунчоқ ва деворлари қалинлашган хужайралардан иборат, ложбинкасимон ажратма каналлар ложбинкада 1 тадан, уларнинг умумий сони 4 та, йирик, эндосперм ботиқлашган узунчоқ-овалсимон шаклда, иккита дистал учи қорин томонга қайрилган, целоспермли;

Autumnalia innopinata мерикарпийси кўндаланг кесимда узунчоқ-овалсимон ёки эллипссимон, чеккаси бўйлаб тор қанотли, орқадан кучли сиқилган, орқа қирралари бироз бўртиб чиққан, ипсимон, четки қирралари орқаникига қараганда кенгроқ, четки қирраларда 2 та ўтказувчи боғламлар, улар орасида изодиаметрик кичик хужайрали склеренхима жойлашган, мезокарпийнинг ташқи қисми 2–3 қават ингичка деворли паренхима хужайраларидан, гипэндокарпий 2 қават кучсиз ёғочлашган толали хужайралардан иборат, ложбинкасимон ажратма каналлар ложбинкада 1 тадан, уларнинг умумий сони 3–5 та, қиррали ажратма каналлар 3 та, эндосперм ясси, овал-узунчоқсимон, ортоспермли (2-расм е).

Диссертациянинг “Соябонгулдошлар айрим эндем туркумларининг ажратма системаларини локализациясини ва *Komarovia anisosperma* нинг фитокимёвий таркибини ўрганиш” деб номланган тўртинчи бобида ўрганилаётган объектларнинг ер ости ва ер усти органларида ажратма тузилмани локализацияси ва *Komarovia anisosperma* турининг фитокимёвий хусусиятлари ҳақида материаллар келтирилган.

Биринчи бўлимда ўрганилган турларнинг вегетатив ва генератив органларида ажратма тузилмаларининг сони, жойлашиши ва ўлчами ҳақида маълумотлар берилган. Тадқиқот турларида ўсимликнинг танаси бўйлаб ажратма каналларнинг мавжудлигини таҳлили шуни кўрсатдики, ҳамма турларнинг барча органларида ҳам ажратма тузилмалар мавжуд эмас. Қисқа илдизпояли кўшимча илдиз тизимли *Kamelinia tianshanica* ва қисқа ўқ илдиз тизимли *Korshinskya olgae* турларининг ер ости органларида ажратма каналлар бутунлай учрамайди. Чуқур ўқ илдиз тизимига эга *Komarovia anisosperma*, *Sphaerosciadium denaense* ва *Autumnalia innopinata* турларида ажратма каналлар пўстлоқ ва флоэма қисмида кўп бўлади, яъни камбий фаолияти туфайли бу тузилмаларнинг доимий шаклланиши рўй бериб, натижада эски каналлар пўстлоқнинг перифериясига силжиши содир бўлади. Бу гуруҳ ўсимликлардан *Komarovia anisosperma* асосий илдизининг базал қисми кўпроқ йўғонлашганлиги сабабли илдиз юзасининг 1 мм² да ажратма каналлар миқдорининг кўплиги, канал бўшлиғи диаметрининг ва эпителий хужайралари энининг катталиги билан ажралиб туради (жадвал).

Жадвал

Илдизда ажратма каналларнинг миқдор кўрсаткичлари (n=30)

| Кўрсаткичлар | | <i>Komarovia anisosperma</i> | <i>Sphaerosciadium denaense</i> | <i>Autumnalia innopinata</i> |
|------------------------------------------------|-----------------|------------------------------|---------------------------------|------------------------------|
| Илдиз диаметри, см | | 9 | 4–6 | 2–2,5 |
| 1 мм ² да ажратма каналларнинг сони | | 23,15±0,78 | 19,84±0,65 | 15,29±0,97 |
| Канал бўшлиғи диаметри, мкм | | 92,04±1,25 | 30,7±1,71 | 45,16±0,2 |
| Эпителий хужайралар | сони | 7,23±0,12 | 7±0,12 | 6,76±0,11 |
| | баландлиги, мкм | 25,6±0,24 | 11,6±0,68 | 24,44±0,22 |
| | эни, мкм | 53,46±0,42 | 20,6±0,79 | 16,97±0,16 |

Тадқиқ қилинган 4 та турнинг (*Autumnalia innopinata* ташқари) гулпоясида схизоген каналлар асосан периферик ўтказувчи боғламлардан юқорида ва пастда жойлашади, новда тизимининг барча ўқларида боғламлар билан ёнма-ён учрайди. Пўстлоқ қисмида ажратма каналлар катта ўлчамда ва ўзак қисмида эса кичикроқ бўлади. Бундан ташқари, *Komarovia anisosperma* ва *Sphaerosciadium denaense* турларида медулляр ўтказувчи боғламлар

атрофида ҳам ажратма каналлар мавжуд бўлиб, уларнинг сони акропетал тартибда камайиши ёки умуман учрамаслиги аниқланган. *Kamelinia tianschanica* турида поясининг базал қисмида ажратма каналлар йўқлиги кузатилган. Гулпоянинг узунлиги бўйлаб энг катта ўлчамдаги ажратма каналлар *Komarovia anisosperma* да, ундан кейин *Korhinskya olgae* турида учрайди. Соябончанинг нурида ажратма каналининг энг кичик ўлчами *Sphaerosciadium denaense* да, энг йириги эса *Komarovia anisosperma* турида қайд этилган.

Тадқиқот объектларининг барг пластинкасида ажратма каналлар одатда марказий ўтказувчи боғламнинг абаксиал томонида жойлашади. Марказий ўтказувчи боғламнинг адаксиал томонида кичикроқ ажратма каналлар фақат *Sphaerosciadium denaense* ва *Autumnalia innopinata* турларида мавжуд.

